



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА КЛАСТЕРЛАР ЎРНИ

Урдушев Хамракул,
иқтисодиёт фанлари номзоди,
доцент, кафедра мудири;
ORCID: 0000-0003-4984-0214;

Эшанкулов Сирожиддин,
мустақил тадқиқотчи, ўқитувчи;
ORCID: 0000-0003-0272-9404;

Мавлянов Мажид,
мустақил тадқиқотчи, ўқитувчи;
ORCID: 0000-0001-5162-0558;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиётини ривожланишининг инновацион йўлига ўтказиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Минтақавий даражада инновацион иқтисодиётни яратишда муҳим жиҳат – бу унинг ривожланишининг кластер моделини шакллантириш. Аграр иқтисодиётнинг глобаллашуви Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг янги йўналишларини излашни тақозо этади. Кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кластерларнинг шаклланиши хўжалик субъектлари ўртасида пайдо бўладиган муносабатлар асосида эволюцион тарзда амалга оширилди. Шундай йўналишлардан бири бу мева-сабзавот кластерларини шакллантиришдир. Кластерли ёндашув асосида янги билимларни ўзлаштириш асосида инновацион технологиялар учун инвестицияларни жалб қилишга асосланган иқтисодий ўсишининг янги назарияси ётади. Мева-сабзавот кластерлари инновацион технологияларни қўллаш, модернизация қилиш, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг бозорларга киришини таъминлаши мумкин. Мақолада жараён шиширокчиларининг ҳудудий яқинлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари, инновацион ёндашув каби кластернинг умумий характерлари орқали кластерларнинг иқтисодий таснифлари келтирилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавот кластерларини шакллантириш ва фаолият юритиш ҳолатларининг иқтисодий кўрсаткичлари кўриб чиқилган. Ҳудудларда фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот кластерларининг ер майдони, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ҳудудларда мева-сабзавот кластерларини шакллантириш йўналишлари бўйича ер майдони ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: тармоқ, мева-сабзавот, кластер, кластерлар тури, ер майдони, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш, импорт, экспорт.



РОЛЬ КЛАСТЕРОВ В ПОВЫШЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Урдушев Хамракул,
кандидат экономических наук,
доцент, заведующий кафедрой;

Эшанкулов Сирожиддин,
самостоятельный соискатель, преподаватель;

Мавлянов Мажид,
самостоятельный соискатель, преподаватель

Самаркандский институт ветеринарной медицины

***Аннотация.** В настоящее время для Узбекистана является актуальным вопрос перевода экономики страны и ее регионов на инновационный путь развития. Важным аспектом в создании инновационной экономики на региональном уровне является формирование кластерной модели ее развития. Глобализация аграрной экономики потребовала поиска новых направлений эффективности сельскохозяйственного производства Узбекистана. Формирование кластеров в экономике многих развитых стран происходило эволюционным путем на основе складывающихся взаимоотношений между хозяйствующими субъектами. Одним из таких направлений является формирование плодоовощных кластеров. В основе кластерного подхода лежит новая теория экономического роста, считающая главным фактором развития возрастающую отдачу от накоплений знаний и, как следствие, рост инвестиций в новые технологии. Плодоовощные кластеры могут обеспечить рост эффективности и конкурентоспособности сельского хозяйства регионов в результате применения инновационных технологий, модернизации, повышения урожайности сельскохозяйственных культур и продуктивности животных, обеспечения выхода сельхозпроизводителей на рынки. Представлен обзор подходов к определению кластера в экономике, который позволил выявить несколько общих характерных черт кластера: территориальная приближенность участников данного процесса, их определенная взаимосвязь, инновационность. В статье исследуется формирование плодоовощных кластеров в Узбекистане. Проанализированы показатели площади земель, производства, переработки, хранения, реализации плодоовощных кластеров, действующих в регионах. Анализируются площади земель и производственные показатели по направлениям формирования плодоовощных кластеров в регионах. Выводы и рекомендации разработаны на основании проведенных исследований.*

***Ключевые слова:** отрасль, фрукты и овощи, кластер, тип кластеров, площадь, производство, переработка, продажа, импорт, экспорт.*

THE ROLE OF CLUSTERS IN INCREASING THE ECONOMIC POTENTIAL OF AGRICULTURAL ENTERPRISES

Urdushev Khamrakul,
PhD in Economics, Associate Professor, Head of the Department;

Eshankulov Sirojiddin,
Independent Researcher, Lecturer;



Mavlyanov Mazhid,
Independent Researcher, Lecturer

Samarkand Institute of Veterinary Medicine

Abstract. *Currently, the issue of transferring the economy of the republic and its regions to an innovative path of development has become relevant for Uzbekistan. Forming up a cluster model of development is important in terms of creating an innovative economy at regional level. Globalization of the farming economy has urged the search for new directions of the efficiency of farming in Uzbekistan. Formation of clusters in the economy of the majority of developed countries took place in an evolutionary way based on emerging relationships between economic entities. One of these areas is the fruit and vegetable clusters. The cluster approach is based on a new theory of economic advancement, which considers increased return on gained competences as the main factor of the development and, as a result, more investments in new technologies. Fruit and vegetable clusters may secure higher level of efficiency and competitiveness of regional agriculture owing to the use of innovative technologies, modernization, increased crop yields and animal productivity, and ensuring the access of agricultural producers to markets. An overview of approaches to the definition of a cluster in the economy is presented, which allowed us to identify several common characteristics of the cluster: the territorial proximity of participants of this process, their certain relationship, innovation. The article reviews formation of fruit and vegetable clusters in Uzbekistan. The indicators of land area, production, processing, storing, and sales of fruit and vegetable clusters operating in the regions have been analyzed. The article analyzes the land area and production indicators in the areas of fruit and vegetable clusters formed in the regions. Conclusions and recommendations have been developed on the basis of the conducted research.*

Keywords: *industry, fruits and vegetables, cluster, cluster type, area, production, processing, sale, import, export.*

Кириш

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқлари, хусусан, мева-сабзавотчиликни инновацион – кластерли ёндашувлар асосида ривожлантириш давр талаби. Сўнгги йилларда мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Мева-сабзавот кластерларининг асосий устунлиги ички рақобат муҳитининг мавжудлигидир. Кластер – бу бир-бири билан расмий ва норасмий алоқада бўлган географик жиҳатдан концентрациялашган корхона ва ташкилотларнинг такрор ишлаб чиқариш занжири. Мева-сабзавот кластеридаги технологик, ҳудудий ва ижтимоий яқинликнинг кесишиши интеграциянинг синергетик эффектини вужудга келтиради, ривожла-

нишнинг дастлабки босқичида инновацияларнинг тарқалишини тезлаштиради ва шу билан бирга, транзакцион харажатларини камайтириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни яратишни юзага келтиради [5]. Кўплаб иқтисодчиларнинг “кластерлар шакллантириладиган ҳудудлар иқтисодий ривожланишда етакчи ўринни эгаллаши”ни қайд этишлари бежиз эмас.

Дунё тажрибаси, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг салмоқли улушини таъминлайдиган минтақаларда қишлоқ хўжалик кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 28,2 фоизни ташкил этади (2020). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб



чиқариш ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари улуши 49,5 фоиз, чорвачиликники эса 50,5 фоизни ташкил этмоқда. Шу боисдан республикада 2017 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги тармоқларида пахта-тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва пиллачилик кластерларининг йўлга қўйилиши жуда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада индукция ва дедукция, статистик ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мева-сабзавот кластери – ҳудудий жиҳатдан маҳаллийлашган, фаолияти инновацияларга йўналтирилган ва хўжалик юритувчи мустақил субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган интеграллашган тузилма бўлиб, мақсади – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини амалга оширишдан иборат [2].

Республикада мева-сабзавот кластерларини шакллантириш ва ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда мавзуга оид хорижий ҳамда мамлакатимизда чоп этилган илмий тадқиқот ишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига асосланган [1-18].

Кластерлар даставвал Ғарбнинг ривожланган давлатларида юзага келди. XX асрнинг 70-80 йилларида ривожланган Европа мамлакатларида кластер шаклланишини қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий дастурлар пайдо бўлди. Миллий кластерларни қўллаб-қувватлаш дастурлари эса 1990 йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлади. Кластер ташаббуслари ва кластер дастурларининг дунё бўйлаб тез тарқалиш даври 2000 йилларнинг бошларига тўғри келди. Ҳозирги вақтда Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Канада, Малайзия, Норвегия, Корея Республикаси, Сингапур, Швеция, АКШ, Финляндия, Франция, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳудудий кластерларни ривожлантириш давлат сиёсати сифатида мақсадли рағбатлантирил-

моқда. Европа Иттифоқининг 26 та мамлакати миллий кластерларни ривожлантириш дастурларига эга.

Бугунги кунда минтақавий ривожланишни бошқариш бўйича хорижий амалиётда фаол қўлланиладиган кластерли ёндашув инновацион сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири сифатида қабул қилинмоқда. Кластерларни ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатлар дастурларининг самарадорлиги уларни амалга оширишнинг узоқ даврини қамраб олиши билан изоҳланиб, фаолият кўрсатаётган кластерлар дастурларини янгилаш доимий равишда рағбатлантириб борилади. Европа Иттифоқи мамлакатлари кластерларни ривожлантиришга оид давлат дастурлари билан фаолият кўрсатмоқдалар. Минтақавий иқтисодий кластерлаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаси кластерларнинг қатор муҳим хусусиятларини аниқлашга имкон беради [6]:

- кластер сиёсати кўп ҳолларда юқори технологик соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлади;
 - ҳокимият (бошқарув) органлари томонидан истиқболли кластерлар аниқланмайди (амалда эса улар қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини белгилаши мумкин), лекин улар қўллаб-қувватлаш дастурлари танловларини ташкил этадилар;
 - ҳокимият томонидан танлов иштирокчиларидан муносиб номзодлар қўллаб-қувватланади;
 - кичик ва ўрта бизнес корхоналари давлат дастурларини асосий бенефициарлари бўлади;
 - Европа кластер дастурлари учун аризалар тайёрлаш узоқ муддатларни назарда тутуди ва танловлар бир неча босқичларда амалга оширилади;
 - кластер сиёсатини амалга ошириш учун қоида тариқасида бир вақтнинг ўзида бир нечта етакчи корхоналар масъул бўлади.
- Кластер тузилмалари янги иқтисодий шароитларга кўпроқ мос келади, минтақа қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради ва унинг инновацион ривожланишини таъминлайди.



Агросаноат мажмуининг иқтисодий ўсиши учун асос сифатида мева-сабзавот кластерининг асосий концептуал модели ва уни шакллантириш қоидалари бўлиши тақозо этилади. У мева-сабзавот кластерлари учун куйидагиларни назарда тутати [7]:

биринчидан, илмий асосланган ёндашувлар, инновацион ечимларни қўллаш, иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорлик асосида қишлоқ хўжалигини динамик ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш мева-сабзавот кластерини шакллантиришнинг асосий ғояси ҳисобланади;

иккинчидан, мева-сабзавот кластери структураси (тузилмаси) бизнес жараёнларни бошқариш кластер иштирокчиларини ҳудудий маҳаллийлаштириш салоҳиятидан максимал фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиси учун қиймат занжирини шакллантириш асосида аниқланади;

учинчидан, агрокластернинг ядроси (ўзга)ни ўзаро ҳамкорлик натижасида унинг иқтисодий муваффақиятларини таъминлай оладиган фирма ва корхоналар ташкил этади. Корхона ядроси бизнес жараёнларнинг асосий қисмини амалга ошириш ва кластер таркибидаги бошқа иштирокчилар ривожланишини таъминлайди;

тўртинчидан, мева-сабзавот кластери ядросининг хомашё сектори қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлиб, улар бизнес жараённинг дастлабки босқичида, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги хомашёсини ишлаб чиқариш орқали бутун кластернинг фаровонлигини аниқлайди;

бешинчидан, мева-сабзавот кластерининг тузилиши мослашувчан хусусиятга эга. Бу мослашувчанлик илмий асосланган мақсадлар ва янги имкониятлардан келиб чиқиб, кластер аграр фаолият йўналишини сақлаган ҳолда, иштирокчилар таркибини ўзгартиришга имкон беради;

олтинчидан, мева-сабзавот кластерининг барқарорлиги ва фаолият самарадорлиги, кластер иштирокчиларининг ички имкониятлари ва ишбилармонлик муҳити, ташқи омиллар мажмуи бўлган бизнес муҳитнинг бир-бирини тўлдиришидаги синергетик

таъсирини максимал даражага кўтариш имкониятлари ва шарт-шароитлари билан аниқланади. Табиийки, кластернинг фаолият кўрсатиш жараёнларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органлари етакчи роль ўйнайди;

еттинчидан, минтақавий иқтисодий тизимда барпо этилган (шакллантирилган) мева-сабзавот кластери нафақат кластер иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари, балки агросаноат мажмуи, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш воситаси сифатида, унинг асосий мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ функцияларни бажариши керак.

Кластер таснифларида иш ўринлари сонига кўра кластерларнинг уч тури ажратилади: мегакластер, мезокластер, микрокластер. Кластерлар ҳажмига қараб (бир ёки бир неча параметрлари ҳисобга олинган ҳолда) кичик, ўрта ва катта кластерларга ажратилади. Масалан, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган “Файз Баширбек юксалиш” МЧЖга бириктирилган ер майдони 256 гектарни ташкил этса, бу кўрсаткич “Агромир” МЧЖ ҚҚсида 3496 гектар, “Наим Диёрбек Кишмиш боғлари” фермер хўжалигида 4037 гектарни ташкил этади. Вилоят бўйича битта кластерга ўртача 1660 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Кластерлар ва кластер тизимларига оид тадқиқотларда кластерларга хос бўлган кўплаб хусусиятлар ажратиб кўрсатилади. Ю.Л. Владимиров ва бошқа тадқиқотчиларнинг қайд этишича [8]: “Кластерни аниқлаш, таърифлаш ва тавсифлаш жараёнлари стандартлаштирилмаган. Турли тадқиқотчилар ўз усул (ёндашув)ларини ишлаб чиқадилар. Одатда, шакллантириш жараёнида кластер корхоналари: потенциал иштирокчиларнинг ташвиқоти ва мотивацияси, умумий стратегияни ишлаб чиқиш, пилот лойиҳалаш, стратегик лойиҳалаш ва ўз-ўзини тартибга солиш каби босқичлардан ўтади”. Шу билан бирга, илмий адабиётларда кластерларни шакллантириш тамойилларига турлича ёндашувлар мавжуд. Ҳозирги кунда амалиётда учрайдиган ва турли омиллар комбинация-



ларини қамраб олувчи етгита асосий модель (ёндашувлар) ажратиб кўрсатилади. Ўз навбатида, кластер сиёсатининг 7 модели – шакллантирилаётган ёки фаолият кўрсатаётган кластерларнинг у ёки бу стратегияларини танлашига асос бўлади [12-14]:

1. Географик модель: кўламига кўра қатъий маҳаллийдан бошлаб то глобал масштабгача бўлган турли хил иқтисодий фаол кластерларни куришни назарда тутди. Бу кластерларни шакллантириш мамлакатнинг муйаян ҳудуди билан боғлиқлигини ифодалайди.

2. Горизонтал модель: бир нечта тармоқларни йирик кластерга киритиш ҳолатларини тавсифлаш учун ишлатилади. Бу моделда бир нечта тармоқлар ва тармоқ-остилари (компаниялар) ўртасида ўзаро ҳаракатлар учун тенг шароитлар таъминланиши назарда тутилади.

3. Вертикал модель: кластерлар – ишлаб чиқариш жараёнининг туташ (аралаш) босқичларидаги корхоналарни ўз ичига олиши мумкин. Бу ерда тармоқ иштирокчиларидан қайси бири кластер ичидаги инновацияларнинг ташаббускори ва якуний ижро-чиси эканлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу моделда кластерларни ишлаб чиқариш ёки инновация жараёнларига боғлиқ босқичларининг иерархик (дарахтсимон) муносабатлари характерланади.

4. Литерал модель: кластерга турли сектор (тармоқ)лар бирлаштирилиши мумкин, қайсики, уларнинг масштаб эффекти (бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсли ишлаб чиқариш кўламини ошириш орқали ресурсларни тежаш самараси) эвазига тежамкорликни таъминлаш асосида янги боғланиш (комбинация)ларни амалга ошириш мумкин. Бу моделда бир тармоқ турли секторларининг кластерга бирлашуви натижасида ривожланишнинг янги имкониятлари юзага келиши назарда тутилади.

5. Технологик модель: бир хил технологиядан фойдаланиладиган турли тармоқ корхоналари мажмуини ифодалайди (масалан, биотехнология кластери). Бу модель бир хил технологиялар билан боғланган тармоқлар мажмуини акс эттиради.

6. Марказлашган (фокусли) модель: битта марказ атрофида жамланган фирмалар кластери. У билимлар ва инновациялар истеъмолчиси бўлган етакчи йирик корхона, илмий-тадқиқот институти ёки ОТМ бўлиши мумкин.


7. Сифат модели: кластер доирасидаги фирмаларнинг мавжудлиги ва ўзаро ҳаракатлари сифат тоифалари билан характерланади. Унда нафақат фирмаларнинг ҳамкорлик қилиши, балки бу ҳамкорликнинг қандай амалга оширилиши муҳим роль ўйнайди. Уни ўзаро ҳамкорликларда тақомиллашиб борадиган, ҳар бир иштирокчининг рақобатбардошлигини оширишга ҳисса қўшадиган ва шу билан бир вақтда бутун жамиятнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлайдиган корхоналар белгилайди.

Проняева ва б. ларнинг [12] фикрича, “кластер бошқарувининг ташкилий тузилиши мақсадларни турли бошқарув бўғинлари ўртасида тақсимлаш тизимидир. Унинг таркибида кластерга кирадиган бошқарув бўғинлари, улар орасидаги вазифалар ва функциялар, ваколат ва ҳуқуқларнинг тақсимланишига асосланган тизим ичидаги алоқаларни ажратиб кўрсатиш керак” бўлади. “Ишлаб чиқариш кластерининг ташкилий тузилмаси бир нечта мустақил ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган блоклардан иборат” (1-расм).

Турли мамлакатлар иқтисодиётини кластерлаш жараёнларига оид кўплаб иқтисодий тадқиқотларда кластер шаклланишининг олти модели келтирилади [14]:

1. Италия модели: рақобатбардошликни ошириш учун турли хил ассоциация (уюшмалар)га бирлаштирилган кўплаб кичик фирмалари билан ажралиб туради. Бу модель технологик даражаси унча юқори бўлмаган (талабнинг юқори даражада фарқланиши ва ўзгариши) маҳсулотлар учун қўлланилади.

2. Япония модели: кластер занжирининг турли босқичларида таъминотчилар массасини бирлаштирган ҳолда ишлаб чиқаришда етакчи бўлган компания атрофида шаклланади. У технологик жиҳатдан мураккаб



1-расм. Кластернинг ташкилий – бошқарув модели [9]

маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш доимий ва юқори харажатларни талаб қилади. Харажатлар янги маҳсулотларни катта ҳажмда ишлаб чиқариш ва сотиш эвазига копланеди.

3. Финляндия модели: юқори даражадаги инновациялар билан ажралиб туради ҳамда кучли илмий-тадқиқотлар сектори ва ишланмалар, шунингдек, ривожланган таълим тизими ва бизнеснинг халқаро алоқалари билан қўллаб-қувватланади. Бу модель табиий ресурслари (нисбатан) кам бўлган ва асосий фаолияти экспортга йўналтирилган унчалик катта бўлмаган мамлакатларга мос келади.

4. Шимолий Америка модели: бу модель корхоналар ўртасида аниқ рақобат билан ажралиб туради. Бу моделни қўллашда ишлаб чиқариш жараёнларида яқин алоқаларни ўрнатиш назарда тутилмайди. Кластер таъминотчилари ўртасидаги рақобат туфайли, шунингдек, асосий фирма маҳсулотларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш эвазига якуний маҳсулот таннархининг арзон бўлишига эришилади.

5. Ҳинд-хитой моделида давлат асосий роль ўйнайди. Бу моделда асосий эътибор замонавий технологияларни жалб этадиган ва жаҳон бозорига чиқишни таъминловчи хорижий инвестицияларга қаратилади.

6. Совет модели: бу моделда бозор муносабатлари ва рақобат устунликлари минималлаштирилган бўлиб, ишлаб чиқариш йирик корхоналарда тўпланади. Бу аҳоли зичлиги паст бўлган ва ривожланиши яхши бўлмаган минтақаларнинг хомашё тармоқларида қўлланилади.

Кластерлар ўлчами, қамровининг кенглиги, ривожланиш даражаси ва тармоқларга боғлиқлигига қараб фарқланади.

Тармоқлар табиати кластер чегаралари ўзгаришига имкон беради. У янги тармоқлар ёки фирмалар юзага келиши, шунингдек, ривожланиш натижалари ёки ишбилармонлик муҳити ўзгариши натижасида юз беради. Қайд этиш лозимки, кластерлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Фарқи кўпроқ ривожланган кластерларда ихтисослашган таъминотчилар



базасининг мавжудлиги, ўзаро боғлиқ тармоқларнинг ривожланган кенг доираси ва истеъмолчилар билан чуқурроқ алоқаларда кўринади [10].


Ҳозирги вақтда саноат кластерларини шакллантиришда бир қатор методлар комплексига асосланиш керак. Улардан асосийлари куйидагилар:

1. Аналитик метод: ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар, унинг табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва молиявий ресурсларини тадқиқ қилиш.

2. Рақобатбардошликни индикатив режалаштириш методи: сифат ва миқдорий таҳлиллар, мавжуд ва истиқболли рақобатбардошликни аниқлаш.

3. Моделлаштириш методи: корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари моделларини тузиш орқали кластер объектларини ўрганиш.

4. “Харажатлар-ишлаб чиқариш” методи: саноат тармоқлари ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари ўртасида товар ва хизматлар айланишини ўрганиш.



2-расм. Кластерлар жойлашган ҳудудлардаги мева-сабзавот кластерларига бириктирилган ер майдонлари, га [16]

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йилда мамлакатимизда 56 та мева-сабзавотчилик кластери фаолият кўрсатган бўлса [3], бу кўрсаткич 2020 йилда 147 тани ташкил этиб, уларга 116 минг 24 гектар ер майдонлари ажратиб берилди (2-расм). Кластерларга 10033 та фермер хўжалиги 85 минг 524 гектар экин майдони билан бириктирилган. Мева-сабзавот кластерлари “қуввати 927,8 минг бўлган 75 та қайта

ишлаш заводлари, 126 минг тонна сифимга эга 79 та музлаткичли омборхонлар мавжуд бўлиб, жами 1151 та қишлоқ хўжалик техника ва агрегатлар билан таъминланган” [15].

Кластерларга тегишли ер майдонларида 28,9 минг гектар маҳаллий, 10,8 минг гектар интенсив боғ ва 19,7 минг гектар тоқзорлар мавжуд. Кластерларга бириктириладиган фермер хўжаликлари томонидан 3,2 минг гектар интенсив боғ ва 5,3 минг гектар янги тоқзорлар барпо этилиб, 4,2 мингта янги



иш ўринлари яратилди. Кейинги йилларда 331,1 минг тонна қувватга эга, қиймати 1,11 триллион сўмлик 84 та янги лойиҳалар ишга туширилди. Мамлакатнинг экспорт имкониятларини оширишда мева-сабзавот кластерлари алоҳида ўринга эга. Кластерлар томонидан 2020 йил 1,2 млн тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, унинг 526,6 минг тоннаси ички истеъмолга, 500 минг тоннаси қайта ишлашга йўналти-

рилган, 153,7 миллион долларлик 180,4 минг тонна маҳсулот экспорт қилинган. Ўрганишлар Ўзбекистонда мева-сабзавот кластерларининг “Мустақил” (биринчи йўналиш), “Тайёрлов-қайта ишлаш” ва “Аралаш” шакллари (иккинчи йўналиш) ташкил этилганини кўрсатади. Ҳозирги кунда республикада 11 та “Мустақил”, 16 та “Аралаш” ва 120 та “Тайёрлов-қайта ишлаш” кластерлари фаолият кўрсатмоқда [2; 4].




3-расм. Ўзбекистонда мева-сабзавот кластерлари турлари бўйича ер майдонининг тақсимланиши [16]

Мустақил кластерлар шаклида фаолият юритувчи мева-сабзавот кластерлари ўзига ажратилган ер майдонларида: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва транспортда ташиш, сотиш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа объектлар мажмуасидан иборат инфратузилмага эга.

Тайёрлов қайта ишлаш шаклида фаолият юритувчи мева-сабзавот кластерлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларини шартнома асосида сотиб олиб, “та-

йёрлов-қайта ишлаш-сотиш” операцияларини амалга оширадилар.

Аралаш шаклида фаолият юритувчи мева-сабзавотчилик кластерлари ўзига тегишли ер майдонида ва фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари (томорқа ер эгалари), кооперация, агрофирма ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини шартнома асосида сотиб олиб, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятларини ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш занжири асосида амалга оширмоқда.



4-расм. Самарқанд вилоятида мева-сабзавот кластерлари турлари бўйича ер майдонининг тақсимланиши [16]

Ўзбекистон бўйича мева-сабзавот кластерларига бириктилган умумий ер майдони 30102 гектарни ташкил этиб, унинг 18600 гектари ёки 61,8 фоизи тайёрлов – қайта ишлаш, 7309 гектари ёки 24,3 фоизи мустақил кластерлар ва 4193 гектари ёки 13,9 фоизи аралаш кластерлар ҳиссасига тўғри келади (2-расм). Кластерларга бириктилган умумий ер майдонининг 20 минг 651 гектари ёки 68,6 фоизи кластерларга бириктилган фермер хўжаликларига тегишли. Кластерлар майдони уларга бириктилган умумий ер майдонига нисбатан салмоғи 31,4 фоизни ташкил этади.

Мустақил кластерлар билан улар жойлашган ҳудудлардаги мавжуд 48480 гектар мева-сабзавот экинлари майдонининг 15,5 фоизи камраб олинган. Бу кўрсаткичлар тайёрлов – қайта ишлаш кластерларида мос равишда 80818 гектар ёки 23,1 фоиздан иборат.

Самарқанд вилояти мева-сабзавот кластерлари – масъулияти чекланган жамият (МЧЖ), масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси (МЧЖ ҚК), акциядорлик жамияти (АЖ), қўшма корхона (ҚК), хусусий корхона (ХК) ва фермер хўжалиги шаклларида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг 7 та туманида 13 та мева-сабзавотчилик кластери фаолият юритмоқда. Самарқанд вилоятида 1 та мустақил (“Файз Баширбек юксалиш” МЧЖ, Каттакўрғон тумани), 3 та тайёрлов – қайта ишлаш кластери ва 9 та аралаш кластерлар фаолият юритмоқда (4-расм). Бу ҳудудлардаги мавжуд 41 минг 289 гектар мева-сабзавот экинлари майдонининг 21 минг 581 гектари кластерларга бириктилган. Кластерларни мавжуд мева-сабзавот майдонларига нисбатан камраб олиш даражаси 52,3 фоизни ташкил этади (жадвал).



Самарқанд вилояти мева-сабзавот кластерларининг ер майдонлари бўйича
кўрсаткичлари (2020 йил)

№	Кластерлар номи	Туманлар номи	Кластерга бириктирилган майдон, га	Шу жумладан:	
				кластер майдони, га	фермер хўжаликлари майдони, га
1.	«Булунғур – Сандвик» МЧЖ ҚК	Булунғур	1898	397	1501
2.	«Самарқанд Гарден Пласт» МЧЖ		1609	1400	209
3.	«Самарқанд консерва» АЖ	Жомбой	600	87	514
4.	«Дўстбек Оқдарё» хусусий корхонаси	Оқдарё	700	200	500
5.	«Агромир» МЧЖ ҚК	Самарқанд	3496		3496
6.	«Навобод насли парранда» ф/х		746	120	626
7.	«Боғизағон» МЧЖ	Тайлоқ	899	342	557
8.	«Пет Агро Оил» ҚК		1804		1804
9.	«Агромир Адас» ҚК		1137		1137
10.	«Сардор томорқа хизмати» МЧЖ	Ургут	1959	37	1922
11.	«Ургут Агр-Вет Сервис» МЧЖ		2440	40	2400
12.	«Наим Диёрбек Кишмиш боғлари» ф/х		4037	62	3975
13.	«Файз Баширбек юксалиш» МЧЖ	Каттақўрғон	256	256	
	Жами		21581	2941	18641

Манба: [16].

Ишлаб чиқаришнинг замонавий кластер шакли жорий этилган вилоят туманларидаги мева-сабзавот ер майдонларининг 11923 гектари ёки 28,9 фоизи – Булунғур, 8800 гектари ёки 21,3 фоизи – Самарқанд, 8436 гектари ёки 20,4 фоизи – Ургут туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткичлар Тайлоқ ва Жомбой туманларида мос равишда 4430 гектар ёки 10,7 фоизга ва 3155 гектар ёки 7,6 фоизга тенг бўлган.

Кластерлар фаолият юритадиган ҳудудлардаги 41289 гектар мева-сабзавот майдонларининг 21581 гектари кластерларга бириктирилган бўлиб, унинг 2941 гектари ёки 13,6 фоизи кластерлар тегишли майдони ташкил этади. Қолган 18641 гектар мева-сабзавот майдони кластерларга бириктирилган 2573 та фермер хўжаликларига тегишли.

Вилоят бўйича битта кластерга бириктирилган ўртача ер майдони – 1660 гектар,

кластерларнинг ўзига тегишли бўлган ўртача ер майдони – 294 гектарни ташкил этмоқда. Ургут ва Тайлоқ туманлари ҳудудларидаги мева-сабзавот майдонларининг 85 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Бу кўрсаткич Самарқанд туманида – 48,2 фоиз, Булунғур туманида – 29,4 фоизни ташкил этмоқда.

Кейинги йилларда республикада интенсив боғ, токзорлар барпо этиш ва иссиқхоналар қуриш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ер майдонларини реконструкция қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, “... 2021 йилда республика бўйича жами 1660 гектар майдонда мевали боғлар, 2453 гектар майдонда узум-



зорлар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, амалда: январь-апрель ойларида 1568 гектар майдонда янги боғ ва 1967 гектар майдонда узумзорлар барпо этилди. Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида мавжуд 5343 гектар мевали боғ ва тоқ қатор ораларининг жами 5000 гектарига қишлоқ хўжалиги экинлари экилди” [17].

Хулосалар

1. Республикада 147 та мева-сабзавот кластери ичида аралаш шаклда фаолият кўрсатаётган кластерларнинг ер майдони, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мева-сабзавот кластерлари жойлаштирилган ҳудудларни қамраб олиш даражаси, бириктирилган фермер хўжаликлари сони, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички истеъмолга, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш ҳажми бўйича мустақил ва тайёрлов қайта ишлаш кластерларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади. Аралаш кластерларга – мева-сабзавот кластерларига ажратилган умумий ер майдонининг 57,8 фоизи, ишлаб чиқарилган жами мева-сабзавот маҳсулотларининг 79,0 фоизи тўғри келади. Аралаш кластерлар республикамиз мева-сабзавот кластерлари томонидан ички истеъмолга йўналтирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 84,3 фоизини таъминлайди. Мос равишда бу кўрсаткичлар қайта ишлашда 73,9 ва экспортда 78,9 фоизни ташкил этади.

Маълумки, мева-сабзавот кластерлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари янги узилган ва қайта ишланган ҳолда хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. 2020 йилда мева-сабзавот кластерларида етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 54,3 фоизи қайта ишланиб, экспортга йўналтирилган. Бу хо-

рижга янги узилган, қуритилган, сақланган ва қайта ишланган маҳсулотлар экспорт қилишни ошириш имкониятлари мавжуд эканлигидан далолат беради [5].

2. Самарқанд вилоятида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган мева-сабзавот кластерларининг ривожланиш ҳолати бўйича қуйидагича қайд этиш мумкин (4-расм; жадвал):

- Ургут туманида 8436 гектар мева-сабзавот экин майдонининг 8437 гектари ёки 85 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Унинг 1959 гектари (23,2%) «Сардор томорқа хизмати» МЧЖ, 2440 гектари (28,9%) «Ургут Агр-Вет Сервис» МЧЖ ва 4037 гектари ёки 47,9 фоизи «Наим Диёрбек Кишмиш боғлари» фермер хўжалиги ҳиссасига;

- Тайлоқ туманида 4430 гектар мева-сабзавот экин майдонининг 3840 гектари ёки 85 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Унинг 1804 гектари (40,7%) «Пет Агро Оил» ҚК, 1137 гектари ёки 25,7 фоизи «Агромир Ада» ҚК га ва 899 гектари (20,3%) «Боғизағон» МЧЖ ҳиссасига;

- Самарқанд туманида 8800 гектар мева-сабзавот экин майдонининг 4242 гектари ёки 48,2 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Унинг 3496 гектари (39,7%) «Агромир» МЧЖ ҚК ва 746 гектари (8,5%) «Навобод насли парранда» фермер хўжалиги кластери ҳиссасига;

- Булунғур туманида 11923 гектар мева-сабзавот экин майдонининг 3507 гектари ёки 29,4 фоизи кластерлар билан қамраб олинган. Унинг 1898 гектари (13,9%) «Булунғур – Сандвик» МЧЖ ҚК ва 1609 гектари (13,5%) «Самарқанд Гарден Пласт» МЧЖ кластери ҳиссасига тўғри келмокда.



REFERENCES

1. Eshankulov S., Urdushev X. Sovershenstvovanie strukturi vinogradnikov plodoovoshnogo klastera s metodami optimizatsii / Regionalnie problemi preobrazovaniya ekonomiki: Ejemesyachniy nauchniy jurnal. [Improving the structure of the vineyards of the fruit and vegetable cluster with optimization methods]. Regional problems of Economic Transformation: Monthly scientific journal, no. 3 (113), 2020, pp. 22-32. Available at: www.rppe.ru ISSN (Print) 1812-7096. ISSN (Online) 2411-0914.
2. Khamrakul Urdushev, Sirojiddin Eshankulov, Majid Mavlyanov. About the state and development of fruit and vegetable clusters in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). ISSN: 2278-4853, vol. 10, Issue 3, March, 2021, pp. 455-463. Available at: https://www.tarj.in/Ajmr_Current_Issue.html/. DOI: 10.5958/2278-4853.2021.00157.9.
3. Urdushev X., Eshankulov S. Meva-sabzavotchilik klasterlarini shakllantirish bosqichlari va rivojlanish istiqbollari. "Ilm-fan va innovatsion rivojlanish" jurnali. [Stages in the formation of fruit clusters and their development prospects]. Journal "Science and innovative development", no. 4, 2020, pp. 89-101. ISSN 2181-9637.
4. Khamrakul Urdushev, Sirojiddin Eshankulov. The role of fruit and vegetable clusters in the development of agricultural sectors // Jamiyat va innovatsiyalar – Obshество i innovatsii – Society and innovations. Special Issue – 3 (2021) / ISSN 2181-1415. pp. 301-315. Available at: <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/663/863/>. DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss3/S-pp301-315/>.
5. Ryabchikova N.N. Konseptualniy podxod k razvitiyu regionalnix agropromishlennix klasterov [Conceptual approach to the development of regional agro-industrial clusters]. Russian Journal of Entrepreneurship, 2019, vol. 20, no. 1, pp. 253-270. DOI: 10.18334 / rp.20.1.39755/.
6. Malseva S.V. Innovatsionniy menedjment: uchebnik dlya akademicheskogo bakalavriata [Innovation management: textbook for academic bachelor's degree]. Ed. S.V. Maltseva. Moscow, Yurayt Publishing House, 2015, 527 p. Series: Bachelor. Academic course. ISBN 978-5-9916-3833-3. Available at: studme.org/1240050226244/menedzhment/innovatsionnyy_menedzhment/.
7. Mochalnikov V.N., Anoxina M., Korostelev D.G. Otrastlevie osobennosti klasterizatsii ekonomiki [Sectoral features of the clustering of the economy. Questions of economics and law]. Scientific and informational journal, 2014, no. 7, pp. 74-82. Available at: https://law-journal.ru/files/pdf/201407/201407_74.pdf/.
8. Vladimirov Yu.L., Tretyak V.P. O klassifikatsiyax klasterov predpriyatiy [About classifications of enterprise clusters]. 2008, vol. 3, no. 4, pp. 72-86. ISSN: 1996-9953eISSN: 2658-5804. Available at: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=20789309/>.
9. Pronyaeva L.I., Fedotenkova O.A. Sistemnoe predstavlenie klasternoy otchetnosti i ee ispolzovanie dlya upravleniya [Systematic presentation of cluster reporting and its use for management]. RJOAS, 7 (67), July 2017, pp. 142-152. DOI: <https://doi.org/10.18551/rjoas.2017-07.17/>.
10. Gakashev M.M. Metodika otbora i formirovaniya ekonomicheskix promishlennix klasterov [Methodology for the selection and formation of economic industrial clusters]. Vector of Science of Togliatti State University. Series: economics and management, 2013, no. 1, pp. 20-23.
11. Formation of clusters. Available at: <http://topknowledge.ru/upravlenie-ekonomikoj/3992-formirovanie-klasterov.html>- Formirovanie klasterov/.
12. Six cluster models and the main factors of their success. Available at: https://expert.ru/ural/2008/14/6_modeley_klasterov/.



13. Klasteri i sovremennaya ekonomika (Modeli klasternoy politiki) [Clusters and Modern Economy (Cluster Policy Models). Available at: <https://t-parki.ru/stati/289-klasteryi-i-sovremennaya-ekonomika.html/>.

14. Modeli formirovaniya klasterov – Innovatsionniy menedjment [Models of cluster formation - Innovation management]. Available at: https://studme.org/1618061426330/menedzhment/modeli_formirovaniya_klasterov/.

15. Available at: <https://daryo.uz/k/2021/04/14/klaster-manfaatdorlik-degani-manfaatdorlik-bor-joyda-osish-boladi-ayniqsa-qishloq-xojaligida/>.

16. O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi ma’lumotlari [Data of the Ministry of Agriculture of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://agro.uz/uz/>.

17. Qishloq xo‘jaligi vazirligi [Ministry Of Agriculture]. Available at: <https://t.me/uzagroministry/>.

Тақризчи:

Тошназаров С., и.ф.д. (DSc), профессор, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири.